



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 3-iyul, payshanba, 26 (554)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улғу айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини аввало биз танлаган тараққиёт йўлининг хар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, кўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-этибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омил ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаолияти тобора кучайиб бораётганида

кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни хар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоани ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармаларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тadbирлар режасини ишлаб чиқиш топши-

рилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин: тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош гоа сифатида белгилаш; мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта якка-хокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодий бирақлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 қарра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;



Амалий семинар

Тошкентда сайлов кампаниясига сифатли тайёргарлик кўришни ташкил этишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ва вилояти сайлов комиссиялари, Тошкент вилояти туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раислари ҳамда аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экологик ҳаракат вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси олим ва мутахассислари, вазиrликлар, идоралар, нодавлат ноэижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинар иштирокчилари мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилганини алоҳида таъкидлади.

Депутатлар қонун ижросини кўриб чиқдилар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси йигилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди

Тиббиёт ва ахборот соҳасидаги экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этган тadbирда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-

да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлат ва жамият курилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари-

дан кенг фойдаланиш соҳани янада ислох этишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилгани алоҳида қайд этилди. Бинобарин, ахборот-комму-

никация технологиялари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тобора катта аҳамият касб этмоқда.

2 >>>

2 >>>

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Қулай ва истиқболли бизнес тури

Фарғонада O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда парламентдаги фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб партиявий вазифаларга бағишланган бизнес-семинар ўтказилди

2 >>>

Юксак эътибор ва ғамхўрлик

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи давомида яна бир бор яққол намоён бўлди

Шу кунларда фарғоналиклар бир олам таассуротлар оғушида яшаб, янада кўтаринкилик билан меҳнат қилишмоқда. Бойси муҳтарам Президентимизнинг водийга ташрифи улар кўнглини тоғдек кўтарди, янгидан янги марралар сари руҳлантирди. Зеро юксак эътибор инсон учун энг катта маънавий рағбатдир. Фермерлик ҳаракати бугун қишлоқда етакчи ижтимоий кучга айланмоқда. Юртбошимиз шуни назарда тутиб, ўзаро мулоқотлар чоғида фермер эндиликда нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, менежер, биз-



Муҳижон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

несмен, селекционер, керак бўлса, дипломат бўлмоғи лозимлигини таъкидладилар. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар моҳиятига тўла мос бўлиб, қишлоқ-

да агросаноат тизимини изчил мамлакатимизда ривожлантириш, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этади, албатта.

3 >>>

Эртапишар «Жиян» экспорт қилинмоқда

«Ўзлугжржисавдоинвест» уюмиси қошида ташкил этилган «Олтин водий инвест» фирмаси қосонлик фермерлар томонидан етиштирилган қовунни экспорт қила бошлади.



Қашқадарь вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, чет элга жўнатилаётган «Жиян» навли эртапишар қовунларнинг хар бири Италия технологияси бўйича гофро-картон қутиларга жойлаштирилиб, «узюқ сафар»га чиққунича замонавий музлағичларда сақланипти. Жўнатиш пайти келганида эса маҳсулот худди шундай ҳароратни сақлаб турадиган автомашиналарга юкланмоқда. Энг муҳими, қутиларга мазкур қовунлар ўзбек заминиде етиштирилганини аниқлаш махсус бренд — савдо белгиси босилипти. — Бунга қадар Россияга 140 тонна қовун жўнатилиди, — дейди «Олтин водий инвест» фирмаси директори Абдулҳай Назошов. — Мавсум давомида ширин маҳсулотимизни Германия ва Европанинг бошқа давлатларига ҳам экспорт қилиш ҳисобига бу кўрсаткични 1000 тоннага етказишни мақсад қилганмиз. Эътиборлиси, корхонамиз фаолияти йўлга қўйилганидан сўнг қосонлик 400 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

БУГУНГИ СОНДА:

Барча йўллар «Навойи»да туташмоқда

3

Рағбат интилишни кучайтиради

4

Фаолиятимизга баҳони электорат беради

5

Хабарларни ёзиш роботга топширилди

7

Ўн икки ойда 20 минг мурожаат

Қуни кеча интернет тармоғининг my.gov.uz манзилда фаолият кўрсатувчи Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг иш бошлаганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида порталнинг ўтган даврдаги фаолияти мобайнида эришилган натижалар, амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилиб, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди. Тadbирда таъкидланганидек, бир йил давомида Ягона порталга 500 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар уланди.

2 >>>

Депутатлар қонун ижросини кўриб чиқдилар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

— Ахборотлаштириш соҳасида яратилган қонунчилик базаси соғлиқни сақлаш тизимига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда муҳим омил бўлмоқда, — деди мазкур кўмига раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Адбуррашид Жўрабоев. — Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот ресурслари ва тизимларидан фойдаланишнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошириляпти. Бу борадаги ислоҳотлар жараёнида мазкур тизимга оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласига бирламчи вазифа сифатида қаралаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун ижросини тиббиёт соҳасида тизимли равишда амалга ошириш илҳимлик билан олиб бориляпти.

Эътироф этиш жоизки, вазирлик томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси қабул қилинган бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Миллий ахборот тизимига интеграциялаш Концепцияси» ишлаб чиқилган. Унга кўра «Электрон соғлиқни сақлаш» ва «Ягона электрон тиббий карта» тизимларини шакллантириш жараёнида босқичма-босқич давом этмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Жумладан, кейинги пайтларда замонавий тиббиётда янги технология ва инновацион лойиҳа-



Солиқ ЗОИР олган сурат

лар кенг татбиқ этиляётгани кўпчиликлари маълум. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув муассасалари базасида компьютер савдонлиги ҳамда вазирлиқнинг ихтисослаштирилган ахборот тизимларида ишлаш бўйича малака ошириш курслари фаолият олиб бориляпти. Бундан ташқари «UzmedInfo» маркази ҳузурида 2008 йилдан буён тиббиёт соҳасидаги раҳбар-ҳодимларнинг компьютер савдонлиги ва ахборот тизимларида ишлаш маҳоратини ошириш курслари иш олиб борапти. Натижада ўтган давр мобайнида 2500 нафардан зиёд ҳодим 72 соатлик ихтисослаштирилган курслар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитилиб, 3000 нафардан ортиқ ҳодим 6 соатлик семинар машғулотларини ўтади.

Қадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида республикамиздаги барча тиббиёт ҳодимларининг 50 фоизи офис дастурий таъминотлари билан ишлаш бўйича етарли малака орттирдилар.

Эътиборлиси, уларнинг 90 фоизини шифокорлар, 30 фоизини ўрта тиббий ҳодимлар ташкил этади. Умуман, сўнгги беш йил мобайнида «UzmedInfo» маркази томонидан 2066 нафар ҳодимлар махсус сертификатлар топширилди.

Шу билан бирга, вазирлик «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган ахборот соҳасига тегишли вазифалар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, лейкоз ва талассемия касалликларига чалинган болаларнинг регистрини ташкил этиш, уларни минтақавий болалар гематология муассасаларида диспансер ҳисобига олиш, Гематология илмий-тадқиқот институтига ахборот бериш, даволашнинг доимий мониторингини ва юқори технология усуллари самарадорлигини илмий таҳлил қилиш масалаларида ҳам бир қатор хайрли ишларга кўл урилмоқда.

«Саломатлик дарслари» фанидан ўқув дастури (1-4-синфлар учун) ва «Соғлом авлод асослари» (5-9-синфлар учун) мультимедиа медиотавсиялар билан ишлаш бўйича етарли малака орттирдилар.

талларига, энг аввало, «ZlyoNet» тармоғига жойлаштириш кўзда тутиляпти.

Эшитувда қайд этилганидек, тиббиёт соҳасини ахборотлаштириш жараёнида эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Мисол учун, туман тиббиёт бирлашмаларини компьютер техникаси билан таъминлаш даражаси юқори эмаслиги, тиббиёт соҳаси субъектлари фаолиятига электрон тижорат ва тўлов тизими жорий этилмагани, интерактив телемедицина хизматлар кўрсатиш тизимлари талабга жавоб бермаётгани айтиб ўтилди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, кўмига аъзолари томонидан қонун ижросини ўрганиш жараёнида аниқланган ҳолатлар, олинган таҳлилий материаллар ҳамда ҳалқаро тажрибани умумлаштириш асосида тиббиёт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фол фойдаланиш учун етарли ҳуқуқий қафолатларни яратувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

◀ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Қулай ва истиқболли бизнес тури

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбирда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш пировардида экспорт салоҳиятини оширишда долзарб аҳамиятга эга бўлиши алоҳида таъкидланди. O'zLiDeP эса тадбиркор ва фермерлар манфаатини ифода этувчи сиёсий куч сифатида агроасоат комплексини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тадбирда сўзга чиққанлар партиянинг «Мулкдор оила» сингари истиқболли лойиҳалари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада тараққий эттиришга қаратилган амалий ташаббуслари айнан шу мақсадга хизмат қилишини эътироф этдилар. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган нормалар эса ҳар бир оиланинг реал даромадларини ошириш, тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳажмини орттириш баробарида рақобат муҳитини мустақамлашга ҳуқуқий асос яратгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бошқача айтганда, ўрта синф учун яратиб бериляётган бундай имкониятлар иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бозор муносабатларини янада такомиллаштириш кафолатидир.

«Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида ўтган йили Фарғона вилоятида деҳқон ва шахсий

ёрдамчи ҳўжаликларга асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аъзолар учун туркум семинарлар ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Мутахассислар лойиҳада қатнашган 220 нафар иштирокчиларнинг умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. сўмлик бизнес-режаларини молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқ, деб топгани мазкур тадбирнинг амалий самарасидир.

— Дарҳақиқат, мазкур лойиҳа оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сафини янада кенгайтириш, уларга имтиёз кредитлар ажратиш механизмини такомиллаштириш, қишлоққа sanoatни олиб кириш, аграр секторда илғор тажриба ва инновациялар, табиий ва мўқобил энергия манбаларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилгани билан диққатга сазовор, — дейди Олий Махлис Қонунчилик палатаси аъзоси Қахрамон Эргашев. — Зеро, партиямиз дастурида тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, гоёя ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий, умуман жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқаролар қўлаб-қувватланиши белгилаб қўйилган.

Ўрни келганда, оилавий тадбиркорлик бизнеснинг бошқа шаклларига кўра қатор устунликларга эга эканлигини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, иқтисодий тежамкорлиги, яъни электр энергияси, сув, газ ва иссиқлик учун аҳолига мўлжалланган таъбиркор бўйича ҳақ тўланиши юқорида тилга олинган қонунда белгилаб қўйилган. Ишбилармон кишилар буларнинг қанчалик катта имтиёз эканини яхши тушунишди, албатта. Оилавий

тадбиркорликнинг миллий қадриятларимизга мос томони ҳам бор. Бу ҳам бўлса, бир вақтинчи ўзидан оиланинг барча аъзолари фойдалани мўқабил билан банд бўлишидир. Фарзандлар эса оила бошлиқларидан нафақат тарбия, балки бизнес юритишда ҳам бевосита ўрнак олашади. Демак, тадбиркорликнинг ушбу кўриниши ҳар томонлама қулай ва истиқболлидир.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун шундай ихчам, бошқариш осон, содда ва қулай корхона яратиш имкониятини берди. Бунда корхона мулкчи ўзаро қариндош бўлган шахсларга тегишли бўлиб, қайси йўналиш бўйича иш юритиш масаласида тортиб, то дам олиш вақтинчи, қилларга қайси вазифани топширишга чаларнинг ўзлари ҳал қилишади.

Шу боисдан ҳам тадбир иштирокчилари республикамизда туман ва шаҳарлар миқёсида оилавий тадбиркорлик сир-асрорларини кенг ёйиш, унинг афзалликлари, яратилган имтиёз ва преференциялар ҳусусида тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Шу маънода Фарғона вилоятида ҳам бозор маркетингини ўрганиш, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хориждан замонавий технологик ускуналар сотиб олиш, бохжона имтиёзлари бўйича партия томонидан мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиб келинаётганини эътироф этдилар.

Бизнес-семинар якунида «Мулкдор оила» лойиҳасида қатнашган иштирокчиларга тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносабат турмуш шaroитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида ўй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга ошириляётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоен бўляётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттиряётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топшиши ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилар боришида мустақам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилиларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-хуналарни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширяётган кенг қўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли ҳавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шaroитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиқидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустақамлаш, доимо хушёр ва оғоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиш янада кучлироқ аҳамиятга эга эканини чуқур ақс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва ўзоқ кўшниларимиз билан дўстона алоқалар,

ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қараман-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокара-лиқ билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тарраққиёти негизда турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириляётган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг қўриш қисмида қайд этилган фикр ва гоёяларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онига сингдириш бўлса борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонатли ва жасорати, эртанги кунга мустақам ишончи мужассам эканини теран ақс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар алоҳида мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белги-ланган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга ошириляётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўткази-

ладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар — сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекистон» эстрада биллашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тара-нум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, музика асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» аънавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойна» уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида «Энг улуғ, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Сени қуйлаймиз, замондош», «Ранглар жилосида — она диёр» каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириляётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 1 июль

Амалий семинар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бугунги кунда замонавий парламентаризмни ривожлантириш мамлакатимизни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш борасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишида қонунчилик ҳокимиятининг ролини кучайтириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, қўшарчилик тизимини мустақамлаш борасида самарали чора-тадбирлар амалга ошириляётган. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур ижобий ўзгаришлар асосини ташкил этади.

Семинарда таъкидланганидек, навбатдаги парламент сайлови жамиятимиз эркинлашган ва демократлашган, иқтисодийимиз барқарор ва мустақам ривожланган, аҳоли турмуш фаровонлиги ошган, мамлакатимиз халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаётган мулақо анги шароитда бўлиб ўтди. Семинар доирасида сайлов жараёнини мониторинг қилиш, бу борада сайлов комиссияларининг тугган ўрни, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ушбу комиссиялар олдига турган долзарб масалалар, шунингдек, Экологик ҳаракатдан парламентнинг қуйи палатасига депутатликка номзодларни кўрсатиш ва сайлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маърузалар тингланди. Сайловларда давлат ҳокимияти бошқа органларнинг аралашувисиз тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишни таъминлайдиган сайлов комиссиялари фаолиятини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда сайлов қонунчилигини киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларга бўлиб ўтадиган сайловларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири.

Худудий кенгашларда

Рағбат интилишни кучайтиради

Астойдил ҳаракат қилиш эса эзгу мақсадга етишнинг дастлабки омилidir. Партия ташаббуси билан ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят босқичида бу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI asr»

— Ёшларнинг мамлакат келажagini яратиш йўлидаги изланишлари, ўз бизнесини очишдаги интилишларини мунтазам рағбатлантириб бориш партияимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир, — дейди О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилрабо Раҳмонова. — Бу борада истиқболли лойиҳаларнинг ҳам ўз ўрни бор. «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ана шундай лойиҳалар сирасига кириди, десак адашмаган бўламиз. Мазкур тадбирнинг Термиз шаҳрида ташкил этилган вилоят босқичи якунлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Кўрик-танлов давомида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, бозор муносабатларига асосланган давлат бошқаруви тизими ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга оид мулоҳазалар муҳокамалар марказида бўлди.

Қатнашчиларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги билимлари, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳалари, партия фаолиятидаги иштироки, ҳуқуқ ва ҳақлик қобилиятига ҳақамлар алоҳида эъти-



бор қаратишди. Ва ниҳоят, «Ишбилармон талаба-2014» кўрик-танловининг республика босқичига Сурхондарё вилоятдан йўлланма олганлар маълум бўлди.

Хусусан, Термиз туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал касб-хунар коллежи талабаси Озода Авазова биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги поғоналарни тегушли равишда Термиз шаҳридаги 2-академик лицей талабаси Дурдона Эшмуродова ва Янгиариқ касб-хунар коллежи талабаси Лутфия Баратова банд этишди.

— Мазкур танловнинг вилоят босқичида голиблар сафи-

дан жой олганидан жуда хурсандман, — дейди Д. Эшмуродова. — О'zLiDeP томонидан уюштирилаётган ушбу тадбирларда иштирок этиб, илик таассуротларга эга бўлдим. Вилоятимизда ишбилармон, иқтидорли, ўз соҳасини яхши эгаллаган ёшлар кўплигини кўриб қувондим. Бундай қўриқ эса ўз салоҳиятини партия томонидан ташкил этилган мазкур кўрик-танловда намоён қилиш имконига эга бўлишди.

Қисқа қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда ёшларга берилаётган юксак эътибор натижасида юртимиз шон-шухрати ва нуфузини янада

оширишга муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларнинг сони тобора кўпаймоқда. Буни биз 2013 йили ўтказилган «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови доирасида олиб борилган ишларнинг самараси ҳамда эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўрган эдик. Бу йилги танлов ҳар галгидан-да кўтаринки руҳда ўтмоқда. Демак, натижалар ҳам шунга яраша бўлади. Бойси, эзгу мақсади сари илдам қадамлар ташлаётган ёшлар ҳар қандай вазифани бажаришга қодир бўлади. О'zLiDeP лойиҳалари эса бу борада улар учун яна бир имкониятдир.

Сиёсий таълим марказлари

О'zLiDeP ўз аъзоларининг партия дастурида белгиланган йўналишлар бўйича самарали фаолият юритишларини таъминлаш, улар орасидан илғор фикрлайдиган, олдимизда турган долзарб муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган раҳбар кадрлар захирасини тайёрлаши керак

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Самарқанд вилоят кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Жамила Сайфиддинованинг таъкидлашича, худудда марказ томонидан юқорида тилга олинган вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор чоралар тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 10 та давра суҳбати, 20 дан ортиқ ўқув-семинар, шунингдек, 6 та учрашув ташкил этилган бўлиб, ушбу сиёсий ўқувларда қарий 11 минг киши иштирок этди, — дейди у. — Бу тадбирларда Юртбошимиз маърузалари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ўрганилди.

Масалан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтиде ташкил этилган ана шундай тадбирлардан бирида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir» номли маърузаси ўрганилган бўлса, Булунғур туман ҳокимлигида мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тилга олинган рақам ва далиллар таҳлил қилинди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлари ва электротат вакиллари қатнашган ўқув-семинарда ушбу маърузалардан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида партия тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи назарий ва амалий билимларни

кенгайтиришга алоҳида урғу берилди.

Аҳамиятлиси, кейинги вақтда ўтказилаётган сиёсий ўқувларда аввалги йиллардан фарқи ўлароқ, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими депутатлар ва БПТлар ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Самарқанд тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицейда «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган партиявий вазифаларни амалга ошириш, ёшларни мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнига кенг жалб этиш мақсадида улар орасидан иқтидорли, иқтисодий таълимга ўз ҳиссасини қўшишга қодир бўлган кадрларни аниқлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўналишида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган давралар суҳбати ташкил этилди. «Соғлом бола — мустақам оила таянчи» шiori остида ўтказилган тадбирга О'zLiDeP Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, лицей ўқитувчилари ҳамда талабалар жалб этилган бўлиб, мавзуга доир масалалар бўйича депутатлар ва БПТ раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тинланди.

Бундай тадбирлар олис қишлоқларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Қўшрабат тумани Жўш қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўтказилган «Ёшлар гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши» мавзусига бағишланган давралар суҳбатлари ёшларимиз биргаликда ҳаракат қилсаларгина бу борада ижобий натижаларга эришишлари мумкинлиги айтилди.

Ўз навбатида партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлини масъул ходимлари, О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раҳбарлари, тадбиркор ва фермерлар, молия-банк ва солиқ тизими мутасаддилари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари иштирокида ўтказилаётган мулоқотларнинг энг фаол қатнашчилари орасидан саралаб олинган 21 нафар ёш йигит-қиз партиянинг истиқ-

болли кадрлар захирасига олинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Эътиборлиси, уларнинг айримлари масъул вазифаларда фаолият бошлади. Хусусан, О'zLiDePнинг вилоят кенгаши бўлим мудири Сардор Луқмонов яқинда Самарқанд шаҳар ҳокимлигида Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мутахассис лавозимига тайинланди.

— Дарҳақиқат, Сиёсий таълим маркази томонидан ташкил этилган ўқувларда ўзимизга том маънода зарур таълим ва малакаларга эга бўлдиқ, — дейди С.Луқмонов. — Шунинг учун ҳам мазкур тадбирларда муҳокама қилинган вазифалардан фаолиятимиз давомида дастуриламал сифатида фойдаландиқ. Айтайлик, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида О'zLiDeP вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ёшлар руҳиятини ва маънавиятини диний ақидапарастлик сингари ёт гоълардан ташқари, айна пайтда жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий йўналишдаги ошқора ва ҳуфия курашларнинг кенг миқёсдаги хатарли жиҳатларидан муҳофаза қилиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳуқуқий маданият ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жамиятда юксак ахлоқий муҳитни кенг жорий қилиш, миллий менталитетимизга мутлақо зид бўлган турли зарарли оқимларга қарши курашишга қаратилган 60 га яқин турли учрашув, давралар суҳбатлари, семинарлар ва амалий мулоқотлар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жойларда фаолият кўрсатаётган Сиёсий таълим марказлари партия ишини ташкил этиш, унинг таркибининг сифат жиҳатдан яхшилаш, жамиятнинг ислоҳ қилиш ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолигини кучайтириш жараёнида мунтазам иштирок этаётди. Бундан ташқари, мазкур марказлар партия аъзоларига мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг устувор вазифаларини тушунтириш, бўлажақ сайловларда фаол иштирок этиш, номзодларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаш жоиз.

Ў ИБРАТ

Ташаббускор тарғиботчи

Қашқадарёда бўлсангиз, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, О'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Исмигул Хушмуродова ҳақида илиқ фикрларни эшитасиз

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Бу, албатта, бежиз эмас. Негаки, Исмигул ўзининг мураббийлик фаолиятини жамоат ишлари билан уйғунлаштириб, ташаббускор депутат сифатида эл-юртнинг ҳурматини қозонмоқда. Хусусан, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, бандлигини таъминлаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш йўлида куч-ғайратини аямаетир.

И.Хушмуродова «Соғлом бола йили»да қишлоқларда турмуш маданиятини янада ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда турли партиявий тадбирлар ва бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиш борасида ҳам астойдил ҳаракат қилаётди. Сиёсий фаоллик, шубҳасиз, ўз самарасини беради. Айниқса, Юртбошимизнинг «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиқиб, Қарши шаҳри маҳаллаларида каштачилик, гиламчилик, зардўзликни йўлга қўйиш орқали касб-хунар коллежларини битирган қизлар учун қўллаб-қўйиш иш ўринлари яратилганлиги диққатга молиқдир.

— Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш орқали бандлигини таъминлаш, бизнес тузилмалари маблағларини инновацион лойиҳаларга йўналтириш, қўшимча касбий таълим олиш билан боғлиқ масалалар доимий эътиборимизда, —

Депутат доимо қайноқ ҳаёт ичида бўлиши, одамларни ўйлантириб келётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш йўлида тинимсиз изланиши керак. Юксак ишончга муносиб бўлиш учун тараққиётимиз мезони саналган ислохотлар билан қадам-бақадам ҳаракат қилиш талаб этилади.

дейди Исмигул. — Негаки, сайловчилар ишонч зиммасига улкан масъулият юклайди. Депутат доимо қайноқ ҳаёт ичида бўлиши, одамларни ўйлантириб келётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш йўлида тинимсиз изланиши керак. Юксак ишончга муносиб бўлиш учун тараққиётимиз мезони саналган ислохотлар билан қадам-бақадам ҳаракат қилиш талаб этилади. Шахсан ўзим ҳозирга қадар турли ташкилот ва идораларга эликдан ортиқ сўровномалар киритдим. Гап энди уларнинг ижросида қолди. Айни пайтда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган асосий йўналишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бораёмиз. Асосий эътибор маънан етуқ, жисмонан бақувват ёшларни камол топтириш, бу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва спорт ташкилотлари, маҳалла ва бошқа ижтимоий тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилмоқда.

Эл ишончи — бу ҳар бир депутат учун юксак масъулият демак. И.Хушмуродова ҳар гал ўз сайловчилари билан учрашаркан, уларнинг қалбига қулоқ тутди, муаммоларини баҳоли қудрат ҳал этишга интилади. Мана, бир мисол. Шай-хали шаҳарчаси аҳолиси муурожаати асосида мутасадди ташкилотларга сўровномалар

йили»да она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилаётди. Жумладан, партиянинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага», «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаларида олти юзга яқин хотин-қиз иштирок этди.

— Касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган бугунги талаба эртанги мутахассисдир. Шу боис уларга нисбатан алоҳида эътибор билан ёндашиш талаб этилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Бинобарин, мутахассисликларни талаб-эҳтиёжга қараб универсаллаштириш, ёшларни йирик санаот корхоналари ва тадбиркорлик субъектларидаги иш жараёнлари билан яқиндан таништириш, депутатлик гуруҳи йиғилишларида оила институтини ривожлантиришга қаратилган янги тақлифларни илгари суриш ва уларни сессиялар муҳокамасига киритиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир.

Айтиш мумкинки, қашқадарёлик тадбиркор ва фермер аёллар эришаётган ютуқларни О'zLiDeP фаолиятдан айри тасаввур қилиб бўлмайдди. Нега деганда, уларнинг аксарияти партияимиз аъзоларидир. Жойларда маслақдошлар сафи кенгайиб бораётганлиги эса О'zLiDePнинг гоё ва мақсадларига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Ў ХАБАРЛАР

Шогирдлари бор талаба

Самарқандда О'zLiDeP лойиҳаси — «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 80 нафар талабанинг бизнес-режалари ҳақамлар эътиборига ҳавола этилди. — Тўқиниш ва тикиш билан 12 ёшдан шугулланаман, — дейди Оқдарё машиий хизмат касб-хунар коллежи талабаси Зебо Худойназарова. — Танловда устозим Фотима Насруллаевадан ўрганган янги — тиббиёт игниси билан бўрттирма усулида тайёрланган эсдалик совғалар билан қатнашдим. Дарслардан сўнг ўн нафарга яқин шогирдим билан туман марказидаги устозонада аҳоли талаби асосида бежирим либослар тайёрлаш билан шугулланаямиз. Келажакда ўз бизнесимни йўлга қўйиб, миллий маҳсулотларнинг экспорт қилиш орузидаман. Кўрик-танловда Зебодан ташқари Пайариқ машиий хизмат касб-хунар коллежи талабаси Муборак Исмоилова, Самарқанд махсус касб-хунар коллежи толиби Тўлқин Қаҳқоров юқори банд тўплаб, имтиёзли банк кредити олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

«Қизилтепа ширмой нон»ни биласизми?

Ўз фаолиятини қолипти ва миллий нон ёпишдан бошлаган «Қизилтепа ширмой нон» масъулияти чекланган жамиятида бугун 12 турдаги нон, макарон ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Махсулот тури ва сифатини опшрмай туриб, кун сайин кучайиб бораётган рақобатта бардош бериш қийин, — дейди МЧЖ раиси Маммур Каримов. — Шу боис мамлакатимизда тадбиркорлик ривож учун яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, берилаётган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланган ҳолда йилдан-йилга қувватларимизни опширишга интиляймиз. Яқинда корхона худудидеги бўш жойга замонавий технологияларга асосланган макарон пехи ўрнатилди. Утган йили ва жорий йилда биттадан қандолат пехи ишга туширилганидан сўнг жами 9 турдаги махсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўз навбатида жамият ҳузурда, шаҳардаги деҳқон бозори ва туман марказидан анча олис бўлган Тошрабат қишлоғида МЧЖнинг 3 та фирма лўқони ташкил этилганини айтиб ўтиш лозим. Шу тариқа корхонада 7 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, айни кунда корхонада Агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи ва оналар билан имзоланган уч томонлама шартнома асосида битирувчиларни иш билан таъминлаш чоралари ҳам кўриляпти.

Мансур АСЛОНОВ.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 3-iyul, payshanba, 26 (554)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Шафоатнинг қарори қатъий

Қўшработ тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзолари ваколатлари доирасида иш юритиб, хусусий секторнинг ишончли кўмаклашига айланипти. Биргина мисол: «Уралова Шафоат» хусусий фирмаси аҳолига спорт-соғломлаштириш хизматлари кўрсатишдек хайрли ишга қўл урди. Бироқ айрим жиҳозлар учун маблағ етишмаслиги унинг фаолиятига салбий таъсир этди. Бундан хабар топган БПТ фаоллари саъй-ҳаракатлари натижасида тадбиркор тез фурсатда банкдан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. — Бундай амалий ишлар тўғрисида ишбилармонларнинг қуйи тузилмаларга, улар орқали эса партиясига ишончи тобора мустақамланаяпти. Шахсан ўзим бўлажак сайловларда О'zLiDeP вакиллари учун овоз беришга қарор қилдим, — дейди Ш.Уралова. **М.РАВШАНОВА.**

«Оилавий тадбиркорлик — тараққиёт омили»

Кармана туманидаги 2-сонли болалар мусиқа ва сапайт мактабидан шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Мақалалар фаоллари, уй бекалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этган тадбирда оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари, мамлакатимизда бизнеснинг ушбу тури билан шугулланувчилар сонини кўпайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар хусусида сўз юритилди. — Кармана педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежини 2012 йилда битириб, О'zLiDePнинг «Диплом билан бизнес» лойиҳаси кўмагида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим, — дейди Гулзода Тўхтамшиева. — Айни кунларда «Хунарман» уюшмасининг туман бўлимидаги БПТда партиясига дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, ёшларни ишбилармонликка жалб қилиш борасида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. **М.АСЛОНОВ.**


Попда янги БПТ очилди

Наманган вилояти Поп туманидаги «Файзиев Зайнобиддин» хусусий корхонасида янги бошланғич ташкилот иш бошлади. — Қуйи бўғинимиз ҳозирча 6 нафар аъзони ўз атрофида бирлаштирган, — дейди БПТ етакчиси З.Файзиев. — Фаолиятимизда асосий эътиборни ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, партиясига дастурий мақсадларини, либерал-демократик ғояларни тарғиб этиш ишларига қаратаямиз. Чунончи, «Либерализм ғояси: хоржий ва миллий тажриба» номли илк тадбиримиз бу боралаги куч ва имкониятларимизни синувдан ўтказди. **А.МУСОВ.**

Фаолиятимизга баҳони электорат беради

Маълумки, сиёсий партиясига қуйи бўғин орқалигина омма орасига чуқур кириб боради. Партиясининг сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоян этиши ҳам уларнинг иши тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, дастурий мақсадларини амалга оширишда БПТлар ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этиш даврида қуйи бўғинлар зиммасига улкан масъулият юкланаётир. Ҳўш, бу борада партиясининг маҳаллий кенгашларидаги етакчилари жойларда қандай иш олиб боришяпти?

ТАЯНЧ БЎҒИНЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ ОШМОҚДА




Ўлмас РАХМАТОВ, О'zLiDeP Бухоро туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати:

— О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг фармойишига асосан туманимизда партиясининг фаолияти томонидан тузилган 5 та кичик ишчи гуруҳи фаолият юритди. Улар камчиликларни аниқлабгина қолмай, балки мавжуд нуқсонларни бартараф этиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатишдики, бу сайловларга тайёргарлик жараёнида катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур амалий ёрдам якунлари кенгашимиз аъзолари иштирокида атрофича муҳокама этилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Хусусан, қуйи тузилмалар намунали фаолият юритиши учун биринчи галда уларни туман партиясига ташкилоти изчил қўллаб-қувватлаши кераклиги, БПТ етакчиси аъзоларга ҳамнафас бўлиши, яшаш шароити, турмуши, қувончу ташвишларидан хабардор бўлиши лозимлигига ургу берилди. Туманимизда 1118 на-

фар аъзони бирлаштирилган 48 та қуйи бўғин фаолият юритмоқда. Кейинги пайтларда улар билан сиёсий ўқувлар ўтказиш ишларига эътиборни янада кучайтирдик. Шунинг бартарафидан халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳамда БПТ етакчилари ўртасида амалий ҳамкорлик янада мустақамланди. Натижада ҳар ойнанинг 17-кунда депутатлик гуруҳининг жамоатчилиги қабулини ташкил этиш имкони юзга келди. Бошқача айтганда, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш қўламли кенгайди. Шу билан бирга ҳар ойда депутатлар БПТларга бориб, уларнинг фаолияти билан танишяптилар. Кейинги 5 ой мобайнида жойларда ўтказилган 30 га яқин тадбирда 2000 дан зиёд иштирокчи партиясига фаолият тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлди. 167 киши О'zLiDeP сафига ўтгани, 11 та янги қуйи бўғин ташкил этил-



КўПРОҚ ТАКЛИФЛАР ОЛИШИМИЗ КЕРАК



Рашид ХУДОЙБЕРДИЕВ, О'zLiDeP Сирдарё туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати:

гани эса мулоқотлар таъсирчанлигидан дарак. Айни кунларда бошланғич ташкилотларимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга ҳозирлик ишлари бошлаб юборилган. Асосий эътибор тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга, электорат вакиллари ташвишлантираётган масалаларни партиясига тавсия қилишга қаратилган. Қуйи тузилмаларда сайлов участкаларига тайинланган депутатлар ва ваколатли вакиллар рўйхатлари шакллантирилмоқда.

— Партиясига ғоя ва мақсадларини изчил тарғиб этишда сиёсий кучнинг бирор бўғини бошланғич ташкилотлардек улкан имкониятларга эга эмас. Жумладан, сайловолди ташвиқот самарадорлиги ва таъсирчанлиги кўп жиҳатдан БПТларга боғлиқ. Шу боис 34 та қуйи бўғинда иш олиб бораётган 538 нафар маслақдошимизнинг ақсарияти туман кенгаши йўл-йўриқлари асосида сиёсий кампанияга тайёргарлик бўйича аниқ-равшан иш режалари ишлаб чиқилди. Жумладан, электоратнинг ижтимоий таркибини ўрганиш, унинг манфаатларига оид масалаларни аниқлаш, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқаларни янада мустақамлаш масалалари ана шу режалардан ўрин олди.

Яна бир устувор йўналиш шуки, биз қуйи бўғиндан кўпроқ таклифлар олишимиз керак. Чунки улар электорат вакиллари, хусусан, ёшларни қизиқтираётган масалаларни яхши биладилар. Муаммони чуқур билиш эса амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлади. Шунинг учун биз қуйи бўғинларда турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкиллаштирилишига бош-қош бўлаямиз. Жорий йилда «Туман ҳокими билан ёшлар учрашуви», «Аёллар билан шифокорлар суҳбати», «Депутат билан ёшлар мулоқоти» сингари туркум тадбирлар, шунингдек, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувларда моҳият-эътибори билан аҳоли турмуши янада фаровонлашувига қаратилган ғоялар илгари сурилди. Ҳўзо фикр алмашиш, савол-жавоблар ҳам депутатларимиз турли ижтимоий масалаларни вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқиши, ижро ҳокимияти органлари олдига қўйишига асос бўлаётир.

Тилга олинган ижобий натижаларга қарамай, йиғилишларда кўрилатган масалалар, партиясига оид янгиликларнинг ҳар бир БПТга етиб бориши, аниққаса, чекка ҳудудларда қуйи бўғинларда ўқувлар ўтказишда айрим камчиликларимиз борлигини ҳам кўз юммаслигимиз керак. Чунончи, муҳим тадбирларга бир-иккита қуйи бўғин раисини таклиф қилиш билан қўйилган натижага эришиб бўлмайди. Олдимиздаги катта синов — сайловларга тайёргарлик асосида шунга ўхшаш нуқсонларни бартараф этиб, сайловчилар ишончини қозониш энг асосий вазифамиздир.

Беҳзод ИСРОИЛОВ тайёрлади.

ҲИЖМАТ ИЪЛАЖАНГА ҲИЖМАТДОР ДУНЁ

Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз. Зиммангиздаги инсоний фазилатларни адо этинг — бахтнинг ўзи келади.

Хусусий корхонадаги очик мулоқот

Деҳқонбод туманидаги «Аралова Мохинур» хусусий корхонасида О'zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Президентимизнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан келиб чиққан долзарб партиясининг вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. — Ҳар бир фуқаро жамоат ишларида фаол қатнашиши, мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда ислохотларни жадаллаштиришга ҳисса қўшиши лозим, — дейди БПТ етакчиси Нодира Бойназарова. — Бизнинг ҳозирги кундаги вазифаларимиздан бири ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандликни таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Корхонамизда ўндан ортқ қанлолат ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Ўн беш нафар ходимимизнинг беш нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эъзига ана 4 та янги иш жойи очил режалантирилган. О'zLiDeP фаоллари хусусий секторни, тадбиркорликни ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, партиясига хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш, замонавий технологиялар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар, айниқса, қизлар учун янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этишти. **С.ИКРОМОВ.**

Эҳтиёж маҳсули

О'zLiDeP Олмазор туман кенгаши қошида БПТ етакчиси, тажрибали ҳуқуқшунос А.Тошпўлатов бошчилигида тадбиркорлар учун бепул юридик маслаҳатхона фаолият юритапти. Қуйи бўғин раисининг айтишича, бир ярим йил мобайнида ишбилармонларни қизиқтираётган масалалар бўйича муайян тажриба тўпланди ва уларни кенг жамоатчиликка етказиш эҳтиёжи сезилди. Яқинда ташкил этилган очик мулоқот ана шу эҳтиёж маҳсули, десак янглишмаймиз. Хусусий корхоналар раҳбарлари ва ходимлари, Олмазор бизнес коллежи битирувчилари, «Чустий», «Мойариқ», «Қорасарой» МФЙ фаоллари, депутатлар, О'zLiDeP туман кенгаши мутасаддилари иштирок этган тадбирда бугунги кунда долзарб бўлиб турган ҳуқуқий масалалар бўйича аниқ йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик билан шугулланувчиларни қўллаб-қувватлаш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, маҳаллалардаги қаровсиз жойлардан унумли фойдаланишга доир бир қанча таклифлар муҳокама қилинди.

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ Сизларни объектнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига ДТ «Халқ банки» Бухоро вилоят филиалига тегишли, давлат рақами **80/ 653** САА бўлган, **2000** йилда ишлаб чиқарилган «ТИКО» русумли автотранспорт қўйилмоқда. Автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси — **3613 000** сўм.

Аукцион савдоси **2014** йил **5** август кунни соат **11:00** да бўлиб ўтади. Ушбу мулк **2014** йил **5** августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақдирдор аукцион савдолари **2014** йилнинг **12, 19** август кунни соат **11:00** да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг **10** фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: **20208000405017774001**, МФО: **00116**, ИНН: **302485226**.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43. Хизматлар Лицензияланган.

Сўнгги саҳифа

«Ўзбеккона меҳмонхона қураман»

Бундан салкам ўн йил муқаддам Гулбахор Абдуҷалолова раҳбарлик қилаётган «SEB TOUR» компанияси Бухородаги эски меҳмонхонани миллий аъёнларимизга хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолатда қайта таъмирлаганида кўпчилик соҳа вакиллари хайрон бўлишгани рост

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»



даволашига юборишда ҳам муайян тажрибага эга.

Гулбахор O'zLiDeP ва «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг фаол аъзоси сифатида юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мисол учун, яқинда пойтахтимизда тўй либослари ва гўзаллик салонлари ташкил этиб, 20 нафар қизни доимий иш билан таъминлади.

— Навбатдаги режаларимдан бири Тошкентда ўзбеккона — сомон сувоқли, адрас ва сўзана билан безатилган, хунармандларимиз ясаган анжомлар билан жиҳозланган ўзига хос меҳмонхона қуришдир, — дейди Гул-

бахор. — Осмонўпар бинолардан зериккан сайёҳларга малакали хизмат кўрсатиш баробарида уларни азалий қадриятларимиз билан таништирсам, дейман. Яна бир орзум — мамлакатимиз туристик салоҳиятини намойён этадиган рангли журнал ташкил этиши. Унинг саҳифаларида заминимизда қадимда барлоп этилган, бугун ҳам инсониятни маънавий гўзалликка чорловчи мейморий ёдгорликлар, салобатли мажмуалар, табаррук қадамжоларимиз акс эттирилган суратлар, қизиқарли мақолалар бериб боришдир.

Гулбахорнинг азму шижоатига ҳавас қилиш мумкин, холос.

Кузатув камерасини ўрнатиш мумкин. Аммо...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳайдовчиларга автомобиль салонига мониторинг видеорегастратор ўрнатиш мумкинлигини маълум қилди.

ИИВ расмий сайтыда берилган хабарда қайд этилишича, Вазирлар Мақамаси қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, ҳайдовчига транспорт воситаси салонининг олд қисмига, жумладан, асбоб-ускуналар панели, кўшдан ҳимояловчи соябони ва орқани кўриш ойнасига теле-видеомониторлар ўрнатиш тақиқланади.

Ҳаракат пайтида йўлда содир бўлган ҳодисаларни хоҳирли мосламаларга муҳрлаш, хусусан, далил вазифасини бажарувчи маълумотларни йиғиш ишларини эса видеорегастратор ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бироқ ушбу ускуна йўлни кўриш имкониятларини чеклаб қўймаслиги керак. Шунинг учун ҳам ҳайдовчиларга мониторинг эки мониторинг салоннинг орқа қисмига қўйилган видеорегастраторлардан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

Ш.ХУҲАЕВ.

Тошкентда 22 тонналик сурат намоиш этилади



«Буюк ипак йўлидаги туризм» йигирманчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон халқ рассоми Леким Ибрагимовнинг катталиги 528 квадрат метрга тенг «Минг фаришта ва бир сурат» номли асари намоиш этилади. Таъкидлаш жоизки, мега-сурат мингта 78x64 см. ўлчамдаги алоҳида расмлардан иборат. Бўйи 8, узунлиги эса 66 метрга тенг бўлган картинанинг умумий оғирлиги 22 тонна. Конструкцияни монтаж қилишга тахминан тўрт кун вақт кетади. Эътиборлиси, «1001» лойиҳаси 2012 йилда «Интеррекорд» халқаро агентлиги рўйхатига киритилиб, икки йўналиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатган. Ўз навбатида 7-9 октябрь кунлари бўлиб ўтadиган халқаро туризм ярмаркасида 10 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашини айтиб ўтиш лозим.

Чипталар уйингизга етказиб берилади

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси йўловчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида янги хизматни йўлга қўйди. Энди Тошкент шаҳрида йўловчилар йўл чипталарига телефон орқали буюртма беришлари мумкин. Буни қабул қилган оператор маълум вақт давомида белгиланган манзилга чипталарни етказиб беришни таъминлайди. Йўловчилар ушбу хизматдан душанбадан жумага қадар соат 09:00 дан 18:00 гача фойдаланишлари мумкин.

РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳрида

Ўтказилмайдиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.

10 дона

10 дона

10 дона

5 дона

5 дона

625 дона

625 дона

1725 дона

625 дона

625 дона

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИПЕТИНИНГ НАРХИ – 5000 СЎМ

потеря билетларини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорқалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77	Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-80	Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20	Наманган вилояти (8-369) 223-19-32	Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53	Навоий вилояти (8-436) 770-35-49	Фарғона вилояти (8-373) 224-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33	Самарқанд вилояти (8-368) 229-34-73	Хоразм вилояти (8-362) 770-37-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунинда, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспертиза ҳулосаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичда берилади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Баланд ўшига етмаганлар лотереяда иштирок этиши тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда куйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«ТАЪТИЛ 2014»
Омонат учун ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»
Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда тўланади

«ИМТИЁЗЛИ»
Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмолат ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

хорижий валютада:
«ШОДИЁНА» (АҚШ долларлари)
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзалар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРО)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда «Асака» банк (ОАЖ) қулай шартларда 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда омонатларни таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Авотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	224-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорқалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармояингизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХ»)

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.